

## Қорабоғдаги масжидларнинг барчаси қайта тикланади



17:35 / 08.01.2021 2044

**Тоғли Қорабоғдаги туманларда олтмишдан зиёд тарихий масжидларга икки қўшни давлат орасидаги можаро сабаб, зиён етган эди.**

Таъкидланишича, ушбу масжидларнинг барчаси қайта тикланади, дея хабар берди TRT. Бунинг учун Туркия Дин ишлари бошқармаси ёрдам беради.

Тоғли Қорабоғ учун кечган жанглардан сўнг Арманистон босқини даврида ҳудуддаги айрим масжидлар чўчқахона ёки молхонага айлантирилгани маълум бўлди. Озарбайжон президенти Илҳом Алиев бу масжидларнинг тақдирига бепарво бўлгани учун ЮНЕСКОни танқид қилди.

**«Биз ўттиз йил давомида ЮНЕСКОга неча марталаб мурожаат қилдик, масжидларимиз бузилаётганини, тарихий ёдгорликларимиз арманлаштирилаётганини айтдик, улар бир марта бўлсин миссия жўнатдими? Мурожаатларимизга бир марта бўлсин жавоб қайтардими? Уруш тугаши билан арман халқининг ёдгорликларини асраш ҳақида гапиришни бошлашди», - [деди у](#).**

*Azon.uz сайтидан фойдаланилди*